

ГЕОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ МУЗЕЙЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ ҲАҚИДАГИ АЙРИМ ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАР

2-боскич магистранти: Ачилов Фирдавс

Илмий раҳбар: доц.Эргашев Бахтиёр

Ушбу мақолада олий ўқув юртларида геология мутахассислиги талабаларини ўқитишда музейларнинг аҳамиятини кўрсатувчи айрим мисолларни кўриб чиқамиз.

Мустакиллик йилларидаги кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш жараёнида миллий тикланиш, маънавий янгиланиш, миллий ўзлик ва ўзига хосликни яхлит тарзда англаб етган, еркин демократик тафаккурга ега бўлган ва мустаҳкам миллий ғоя кучи билан бирлашган жамият аъзоларини тарбиялаш вазифаларини ҳал етишда тарих фанининг роли жиддий равишда ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Миллий ўзликни, миллий ифтихорни тиклаш ва ривожлантириш жараёнида тарихий хотира, халқнинг, жонажон ўлканинг обектив тарихини, давлат ҳудудини тиклаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга егадир”¹.

Бугунни билиш учун ўтмишга назар ташламоқ керак. Қадриятларни белгиловчи мезон – бу ўтмиш ёдгорликлари бўлиб, уларга санъат, маданий-тарихий ёдгорликлар каби маънавий ва моддий бойликлар киради. Бу бойликлар ҳар бир халқ томонидан ардоқланиб сақланади, меҳр-муҳаббат билан ўрганилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.- Б. 34.

1998 йил 5 мартда еса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш»¹ масалалари тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Бугунги кунда ушбу фармон ва қарорларга қўйилган вазифалар имкон қадар амалга оширилиб келинмоқда.

Қадимги олий ўқув юртларида геология мутахассислиги талабаларини ўқитишда музейларнинг аҳамиятини кўрсатувчи айрим мисолларни кўриб чиқамиз. **Санк-Петербург** олий ўқув юрти Пётр I нинг буйруғи билан 1724 йилда ташкил этилган² бўлиб, университети қошида мутахассисларни яхши тайёрлаш учун унинг қошида кутубхона ва «Германиядаги Кунц Камералар» (музей тимсоли) мисолидаги «Табиий буюмлар Камора (хона)си» ташкил этилган эди. Университет Академия билан бирга «Илмий марказ»га кирар эди. Талабалар эса ўқитувчилар билан бирга илмий тадқиқотлар билан шуғулланган. Кейинчалик «Камора» минерал хонаси деб атала бошланди. XIX асрда музей тўплами ривожлана бошлади³. Музейга кийинчалик шахсий коллекциялар ҳадя қилинди. 1909 йилда музейга химик олим Д.И. Менделеевнинг 245 турдаги 133 хил минералдан иборат коллекцияси ва архиепископ Н.Ярославский коллекциялари тарихий қимматга эга. 1926-1962 йилларда минерология кафедраси муdiri С.М. Курбатовнинг музей ходимлари билан ўтказган экспедициялари даврида музей Уралдан топилган **везувин** хрусталлари, Ўзбекистоннинг Туя-Муюнидан топилган барит⁴, Карелиядан топилган **пегматит** ва бошқалар билан тўлдирилди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида (Ленинград қамали вақтида) ноёб коллекциялар сақлаб қолинди. Кейинги йилларда мамлакатда геологик ишларнинг жадал ривожланиши билан музей коллекциялари сезиларли даражада тўлди, дуненинг бошқа ҳудудларидан намуналар келиб тушди.

¹ 1998 йил 5 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.

² А.Р. Беруний. «Трактат о драгоценных камнях» /Перевод с арабского. - Москва: ИЛ, 1963. Стр. 29.

³ Ўша манба. 31-бет.

⁴ Барит – рангсиз, баъзи турлари рангли минерал

Бугунги кунда минерология музейи 870 минерал турини ўз ичига олган 39 минг намунага эга. Минераллар системали (ўқув), минерал бирикмалар, қимматбаҳо, метеорит⁵ экспонатлари, Россия ва қўшни давлатлар минерологияси материаллари каби бир неча йўналишларга бўлинган. Музей қошида минерология ва дуненинг минерологик музейлари тарихи бўйича илмий ва тадқиқотчилик фаолияти олиб борилмоқда. Бундай фаолиятлар Ер ҳақидаги фанларнинг қатор муаммоларини ечишда катта аҳамиятга эга. Музей коллекциялари ноёб бўлиб, жаҳон тарихий ва маданий меросининг ажралмас қисми ҳисобланади. Россиядаги яна бир геология йўналишидаги музей Москва давлат университетининг Ершунослик музейи ҳисобланади.

Москва давлат университети Россиядаги энг қадимги олий ўқув юртларидан бири. У 1755 йилда ташкил этилган. Шу вақтдан бошлаб геология ва минерология ўқитилган. Тиббиёт факултетининг табиий тарих кафедрасида «минерология хонаси» очилган эди. Унинг асосига йирик олтин конлари эгаси, Уралдаги заводлар ва конлар эгаси Н.А. Демидов томонидан совға қилинган профессор Генкельнинг минераллар ва рудалар коллекцияси қўйилган эди. Кейинги йилларда минерология кафедраси физика-математика факултетининг табиий бўлими таркибида эди.⁶

XX аср бошларида Москва давлат университетининг профессори В.И. Вернандскийнинг жаҳонга машҳур минерал-геохимик илмий мактаби шаклланди. Москва давлат университетини 1914 йилда тугатган академик А.С. Уклонский В.И. Вернандскийнинг шогирди бўлиб, «амалий минерология ва петрография» мутахассислиги бўйича диплом олди. Билим ва минералларга ташхис қўйиш бўйича яхши тайёргарликка эга бўлган бу олим генетик минерология ва геохимия бўйича Ўрта Осиё илмий мактабини яратди.

⁵ Метеорит – фазодан ерга тушган жисм`

⁶ Дунин-Барковская Э.А. Среднеазиатская научная школа генетической минералогии и геохимии. / В кн. "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари". - Тошкент, 2008. - С. 201–210.

Москва давлат университетида геология факултети 1949 йилда ташкил этилган эди. 1951 йилда ҳукумат қарори билан Москва давлат университетида ноёб Ершунослик музей комплекси ташкил этилган. Янги баланд бинонинг 32 ва 33 қаватларини эгаллаган бу музей геология, география ва биология-тупроқшунослик факултетларида дарс бериш талабларини таъминлайдиган бўлимлардан иборат эди. Геология бўлимида 5000 дан ортиқ минераллар, руда ва тоғ жинсларидан иборат экспонатлар мавжуд. Уларнинг ичида музей ходимлари томонидан Уралдан келтирилган ялтироқ-мовий ва сариқ топаз⁷нинг узунлиги 20 см.-ча борадиган хрусталлари, сизиб чиққан куртаксимон тўқ-яшил **махалит**, тўқ-кўк **азурит**, сурғучли-қизил ва қора-кулранг яшм ноёб ҳисобланади. Минерологик экспонатлар орасида садафли-оч бинафша **чароит** Сибирда жойлашган дунёдаги ягона кон намунасидир.

Коль яримороли ерларидан топилган энг ноёб минераллар ва Россия, МДҲ ва Ернинг бошқа ҳудудларидан топилган намуналар мавжуд. Москва давлат университетининг музейи бу – талабалар ва ташрифчилар кирадиган минераллар подшолиги ҳақидаги эртаклар олами.

Москва давлат университети музейининг қошида илмий-тадқиқотчилик фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда музей ходимлари, ўқитувчилар, аспирант ва талабалар иштирок этадилар. Мазкур музей дунёнинг бошқа йирик музейлари билан яқин алоқаларга эга. Унинг тузилиши, экспонатлар экспозициялари, илмий ва педагогик фаолияти музей-олий таълим муассаси ишининг намунаси бўла олади.

ХИХ-ХХИ асрларда Ўрта Осиёда геология музейларининг ташкил этилиши тарихига оид. В.И. Мушкетов коллекциялари. Ўрта Осиё ҳудуди минераллари, рудалари ва тоғ жинсларидан иборат биринчи коллекциялар ХИХ асрнинг 70-80 йилларида Тошкент шаҳрида Табиат музейида намоиш этилган. Санк-Петербург тоғ-кон институтининг ёш битирувчиси И.В.

⁷ Топаз – қимматбаҳо ялтироқ тош

Мушкетов ўз хошишига кўра геология ва рудага бойлигини ўрганиш учун Туркистонга келади.

У беш йил давомида Тянь-Шань ва Помир дарёлари водийлари ва тоғ тизмаларига маршрутлар уюштириб, тоғ жинслари, руда ва минералларни тавсифлар, ажратиб олар эди. У тўплаган коллекция дастлаб Тошкент химия лабораториясида ўрганилиб, кейин Туркистон ўлкасининг маҳаллий Табиат музейига топширилган. Геологик тадқиқотлари ҳақидаги нашр этган ҳисоботида И.В. Мушкетов 70 минерални таърифлаб, ўрнини кўрсатган (1890 йил). XX асрнинг ўрталарида музейнинг Чорсу бозори ҳудудида жойлашган эски биносида бўлган ёнғин натижасида бу ва бошқа коллекциялар ҳужжатлари билан бирга тиклаб бўлмайдиган бўлиб йўқолди.

САГУ (Ўрта Осиё давлат университети) ва САЗПИ (Ўрта Осиё политехника институти) каби олий ўқув юртларининг биринчи минерология музейи тарихига оид.⁸

1918-1919 йилларда Тошкентда ташкил этилган Халқ университети геологияни ўқитиш дастурига (16-18 ўқув соати) геологик экскурсиялар, минераллар ва тоғ жинслари намуналарини йиғиш киритилган эди. Музейни ташкил этиш Халқ университети Туркистон давлат университетига айлантирилгач 1920 йилдан бошланди.

Россиядан Тошкентга университетда минерология кафедрасини тузишва талабаларни ўқитиш учун Москва давлат университетининг битирувчиси А.С. Уклонский келди. Биринчи йилларда А.С. Уклонский, унинг ёрдамчиси Ю.М. Голубкова, талабалар В.И. Попов, И.М. Ефиминко ва бошқалар дала геологик тадқиқотларни бажариб, музей ташкил этиш ва маърузалар ўқиш учун минерал намуналар коллекцияларини йиға бошладилар.

Аурахматда А.С. Уклонский раҳбарлигида **флюорит**ни қайта ишлашни бошланиши билан юмшоқ кўк-яшил ва бинафшаранг флюоритнинг катта кубиксимон хрустал друзалари топилди. Қирғизистонда симоб ва сурма кони

⁸ Тойчиев Х.А., Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К. "О нахождении редчайшего захоронения Южного мамонта в Узбекистане" Вестник НУУз. Ташкент, 2013, С - 297-298

Ҳайдаркон ва бошқаларни топган В.И. Попов **антимонит**нинг устунсимон хрусталлари друзасини, чақмоқтош ва карбонатлардаги ажралмалар – тўқ-қизил киноварлар⁹ни олиб келди.

Ю.М. Голубкова Курамин тизмасида радиактив ҳодисаларни очиб, ураннинг иккинчи даражали минералларидан намуналар олиб келди. Угам дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб юришларда А.С. Уклонскийнинг йўлқўрсатувчиси Хумсон поселкасида яшовчи маҳаллий миллат вакили Ҳайдарали мусоев эди. Боғи-Чалпак дарасида Қоржонтов тизмасининг ёнбағрида оҳақтош қатламлари орасида улар йирик хрустал оптик кальцит¹⁰, рангсиз ёки мутлақо ялтироқ сарғиш ва қизғиш исландия шпати¹¹ мавжуд бўлган ғорларни топдилар. Бу намуналар Ўрта Осиё давлат университети музейига олиб келинди. Кейинчалик бу объектлар оптик хом ашёга ишлатилди. Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғидаги Оқтош (Сойлик) қишлоғида иккинчи даражали кварцит намуналари танлаб олинди.

1939 йилда Ю.Л. Винокурова ўзгартирилган тоғ жинслари бўшлиғида ноёб мисранг-сариқ рангдаги ярқироқ призматик хрусталларни учратади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941-1945) **алунитлар** «Недра Средней Азии» заводи томонидан қайта ишланган ва Тошкент водопроводида сув тозалашда тинитувчи аччиқтош сифатида ишлатилган. Йигирманчи йилларнинг охирлари ва ўттизинчи йилларда А.С. Уклонский ўз ходимлари билан табиий олтингугурт жойларини ўргандилар ва минераллар коллекциялари Шўрсув ва бошқа конлардан топилган унинг қуёшранг-сарғиш рангли хрусталларининг йирик друзалари билан тўлдирилди.

Келтирилган Ўрта Осиё минералларининг бир қисми бошқа музейлар билан янгиларига алмаштирилди. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотлар ўтиш учун минералларнинг ўқув коллекциялари қўлга

⁹ Киноварь – симоб сульфид, симоб рудаси

¹⁰ Кальцит – оҳакли шпат

¹¹ Шпат – силикатлар жинсига мансуб минерал

киритиларди. Шу билан университетдаги биринчи геология музейининг ташкил этилиши тугайди. 1930 йилда қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўрта Осиё давлат университетининг барча геологик кафедралари музейлари янги институт (САГРИ)га берилади. Ундан кейин Индустриал институтга кейинчалик, 1936 йилда Ўрта Осиё политехника институтининг тоғ-кон факултетига берилади.

Ўрта Осиё давлат университетида яна геология йўналиши бўйича мутахассислар (минеролог, петрограф, съёмкачи¹²) таёрлаш бошланади. Бироқ Ўрта Осиё политехника институтидан музей ва барча кафедралар ҳам қайтарилмайди. Бу қадимги минерология музейи (ҳозир Тошкент давлат техника университетида) ҳозир ҳам республикадаги энг яхши музейлардан бири ҳисобланади. Фақат Геология давлат қўмитаси музейидан кейинги ўринда туради. Тошкент давлат техника университети музейига ташриф буюрган Ўзбекистон миллий университети геология факултетининг минеролог, геохимик талабалари ҳайратга тушадилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Р. Беруний. “Трактат о драгоценных камнях” /Перевод с арабского. - Москва: ИЛ, 1963.
2. Академик Турабек Нугманович Далимов. - Ташкент: “Университет”, 2006 - 20 с.
3. Тойчиев Х.А., Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К. “О нахождении редчайшего захоронения Южного мамонта в Узбекистане” Вестник НУУз. Ташкент, 2013, С - 297-298.

¹² План олувчи

4. Э.А. Дунин-Барковская, А.З. Умаров, Н.В. Булина, Ш.Ю. Самандарова

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека